

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТАҲЛИЛИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

**M.Y.O.Рахимов**

*Тошкент молия институти*

*Иқтисодий таҳлил кафедраси профессори*

**Аннотация.** Ушбу мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, уларни таҳлил этиш шакли ва мазмунидаги муҳим ўзгаришлар, муаммоли жиҳатлар ҳамда уларни ҳал этишининг таклиф-тавсиялари берилган.

**Калит сўзлар:** молиявий ҳисобот, молиявий ҳисобот шакллари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисобот таҳлили, молиявий ҳисобот элементлари, ахборот фойдаланувчилари, таҳлил субъектлари, таҳлил обьектлари, таҳлилни ташкил этиш.

Молиявий ҳисобот ва уларнинг таҳлили юзасидан муаммоли жиҳатларни ҳар битта давлатда, амалда бўлган тизимнинг муҳим шартларига (ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларга)мос тарзда фарқ этишини кўриш мумкин. Собиқ иттифоқ ва ривожланаётган давлатларга хос бўлган муҳим жиҳатларни қўйидагиларда кўриш мумкин: иқтисодиётда давлат бошқарувига устунлик берилиши, монетар ва фиксал сиёsatдаги бир ёқламалик, марказлашган буйруқбозлик; директиванинг кучлилиги, тармоқ ва соҳалар бўйича давлат улушининг юқорилиги. Бироқ, бу фарқлар улар ўртасида жиддий тафовутлар мавжудлигини характерламайди.

Молиявий ҳисобот таҳлилининг тадрижий ривожланиши жараёнларида бир биридан фарқ этувчи жиҳатларнинг пайдо бўлиши билан дунё бизнесида ягона қоидалар, тартибларнинг белгиланиши, яъни бухугалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиш орқали бир хилликни таъминлаш, бизнес субъектларининг ўзаро бир бирларини тушунишнинг ягона тартиблариغا ўтиш зарурияти юзага чиқармокда ва бу жараёндан бутунги глабаллашув даврида, ҳеч бир давлат четда қола олмайди.

Иқтисодиётнинг ривожланишидаги муҳим омиллардан биттаси бу - ахборотларни ўз вақтида ва мақбул шаклда бошқарув субъектларига етказиб бериш масаласидир. Бу борада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш билан ахборотларнинг манфаатдор томонларга, шаффоғ ва ишончли тарзда, сифатли етказиб бериш имкониятлари туғилади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари - молиявий ҳисоботларни тузиш учун ҳужжатлар тўплами, молиявий ҳисоботларнинг тузилишини тартибга солувчи регламент бўлиб, ташки фойдаланувчилар томонидан бирор-бир ташкилотга нисбатан иқтисодий қарор қабул қилиш учун фойдаланилади.

Молияй ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни комплекс жараёнлар тизими сифатида эътироф этиш лозим. Ушбу стандарт фақат бухгалтерия ҳисобини эмас балки, молявий ҳисобот ва унинг ташқи назоратини йўлга қўйишнинг, таҳлил этиш ва иқстикболли ўрганишнинг муҳим масалаларини ҳам мос равища янгича мазмунда ташкил этишни талаб этади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш ва уларни таҳлил этишнинг илмий-назарий муаммоларини қуидагилар билан таркиблаш мумкин.

Молиявий ҳисобот шаклларида, уларнинг номланишида, молиявий ҳисобот элементларининг туркumlанишида, уларнинг таърифларида, ҳисобот моддаларининг тан олинишида ҳар хил мезонлардан фойдаланилаётганлиги билан изоҳланади.

Молиявий ҳисобот шакллари гарчи, сони ва умумий тузилиши бўйича тубдан фарқ қиласада уларнинг номланишида, таркибий тузитлишида, бирлик қаторлари, ўзаро ўрин алмашишлар бўйича тубдан фарқ этишини кўриш мумкин.

Назарий асослари бўйича МҲҲСда ҳисоб элементларига, уларнинг таркибий бирликларига берилган таърифлар, миллий қонунчилик ва БҲМСдаги берилган таърифлардан бир мунча фарқ этади.

МҲҲСга ўтишдаги муаммоларнинг яна бир жиҳати ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг манфаатлар ўйғунлигининг фарқланаётганлиги билан изоҳланади. Одатда, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишдан мақсад хорижий инвесторларнинг қизиқишилари қаратилган худудлар ва ташкилотлар (компания, корпорация, акциядорлик жамиятлари) бўйича жалб қилинадиган бойликларининг истиқболда ўсиши ёки пасайишини таҳлил қилиши учун зарур бўлган ахборотлар билан таъминлашдан иборат эканлиги эътироф этилади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш билан хорижий инвесторлар қизиқишиларига устунлик берилиши муҳим жиҳат. Бироқ, биринчи навбатда фаолят ва бизнес бошқаруви самарадорлигини баҳолашда реал воқеаликни тўғри ва холисона баҳолаш, таҳлил ва назорат қилишдан аввало ички қизиқувчилар манфаатдор бўлиши лозим.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2020 йил 26 феврадаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли карори билан интеграцион жараённинг муҳим бир босқичга бошланганлигини эътироф этиш зарур. Ушбу карорга кўра, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига биринчи навбатда ўтувчи корхоналарнинг таркиби белгиланди ва келажакда уларнинг қаторига эркин бизнес субъектларининг кенг доирасини қамраб олиш вазифалари қўйилди.

Карорга кўра, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ўтишнинг асосий таркибига биринчи навбатда, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи

юридик шахслар кириши белгиланган. Мазкур таркибга кирувчи корхоналар молиявий ҳисоботни МХХС асосида тузиши ва тақдим этиши белгиланган.

МХХСга ўтишда фақат бухгалтерия ҳисоби билангина эмас, балки бошқарувнинг барча (режалаштириш, назорат, баҳолаш ва таҳлил қилиш) дастакларини ҳам ўзгартиришни талаб қиласи. Бу масала маълум маънода, очик қолмоқда.

Бошқарувнинг энг муҳим дастакларидан биттаси бу молиявий ҳисобот таҳлили масаласидир. Молиявий ҳисобот таҳлили, молиявий ҳисоботлар таҳлили, молиявий ҳолат таҳлили, молиявий таҳлил сифатида эътироф этилувчи убшу дастак ҳам амалда тарихий, классик мазмундан четлаша олмаяпти.

МХХС кўра тадбиркорлик субъеклари молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламида барча молиявий ҳисоботларни тенг даражада тақдим этишлари лозимлигини эмас балки, тадбиркорлик субъектининг раҳбарияти томонидан тайёрланган, унинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларининг асосий жиҳатларини ҳамда у дуч келадиган асосий ноаниқликларни шарҳлайдиган ва тушунтирадиган молиявий таҳлилни ҳам тақдим этишлари шартлигини белгиланиши ҳам таҳлилий жараёнлар ва уларнинг самарадорлигини баҳолашни талаб этади.

Молиявий ҳисобот таҳлилида асосий жиҳатлар ва тушунтиришларда қуйидагилар қамраб олиниши лозим:

- молиявий натижаларни шакллантирган асосий омиллари ва таъсирларни;
- тадбиркорлик субъектинг фаолият кўрсатадиган мұхитдаги ўзгаришларга таъсир кўрсата олиши ва чораларини;
- эришилган натижаларни сақлаб қолиш ва қўпайтиришга қаратилган инвестицион сиёсатни;
- тадбиркорлик субъектининг бозордаги активлигининг муҳим барометри бўлган дивиденд сиёсатини;
- тадбиркорлик субъектининг фаолиятини молиялаштириш манбаларини ва у томонидан кўзланган мажбуриятларнинг капитал билан қопланишини;
- субъект МХХСларга мувофиқ молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган ресурслари ҳақидаги таҳлилий маълумотларни илова қилиши лозим.

Ўтган йиллардаги тажрибадан келиб чиқкан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузиладиган бухгалтерия(молиявий) ҳисобот шаклларини таҳлил этишнинг аниқ бир тизими, унинг назарий, ташкилий, хуқуқий, методологик ва амалий жиҳатдан мутлақо янги мазмундаги замонавий шаклини яратиш заруриятга айланмоқда. Бу бевосита уларнинг ички ва ташқи таҳлилига ҳам боғлиқ жараён ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш амалиётида муҳим инфратузилмани шакллантирилмаганлиги, соҳада тизимли ишлар бўйича жиддий ҳаракатлар амалга оширишни талаб этмоқда. Молиявий ҳисоботнинг

халқаро стандартларига ўтишда шакллантирилиши лозим бўлган инфратузилманинг асосий бирликларига куйидагилар киради:

-тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисботининг халқаро стандартларига ўтиш юзасидан ҳатти-ҳаракатларни услубий қўллаб қувватлаш (амалда, ушбу ҳаракатлар жуда суст кечмоқда);

-молиявий ҳисботларнинг ахборот бериш даражасини ошириш (амалда, имкониятлар чекланганлиги, яъни молиявий ҳисботларни аниқ шакллари билан кифояланаётганлиги, уларга иловалар, қайдлар ва тушунтиришлар берилмаётганлиги);

-молиявий ҳисбот шакллари ва уларнинг муҳим бирликларини прогнозлаш амалиётининг жорий этиш (амалда, прогнозлаш бўйича зарурий асосларнинг мавжуд эмаслиги ва уларга инфляциянинг таъсир даражасини баҳолаш имкониятларининг йўқлиги таъсирида қиёсийликнинг бузилиши, молиявий ҳисбот таҳлилида ретроспектив таҳлилга кўпроқ урғу берилиши, тезкор таҳлилнинг йўқлиги, истиқболли таҳлилнинг ахборот манбасининг яратилмаганлиги);

-молиявий ҳисботни халқаро стандартлар бўйича тузишда кадрлар масаласи (амалда, кадрлар салоҳияти, касб маҳорати, профессионал тайёргарлик даражаси, мажбурий талабларнинг қўйилиши,);

-халқаро экспертизанинг йўлга қўйилмаганлиги (халқаро жамоат ташкилотларига аъзолик, уларнинг йиғилишиларидағи чиқишлилар ва уларнинг расмий баёнлар, эътирофлар, ахборот маконининг яратилмаганлиги, уларнинг тор доираси ва ҳ.к.);

-сертификатлаш тизимидағи бир ёқламалиқ, жамоат ташкилотлари фаоллигига ишонч (имтихонларнинг қийинлиги, тил муаммоси, молиялаштириш бтилан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилганлиги, турли аттестация ва аккредитация жараёнларидаги муаммоли жиҳатлар);

-молиявий ҳисботларни таҳлил этишда аниқ услубий таъминотнинг шаклланмаганлиги (классик таҳлилдаги мавзуларнинг кенглиги, таҳлилий кўрсаткичлар тизимининг кўплиги, уларнинг такрорийлиги, ортиқчалиги, таркибий, тузилиши ва даврийлиги, омилли ва қиёсий таҳлили юзасидан ягона услубиётнинг йўқлиги);

-молиявий ҳисботларнинг сифат даражасига баҳо беришнинг тузилмавий таркибининг шаклланмаганлиги (молиявий ҳисботларнинг шакли ва мазмунига қўйиладиган, улардаги ахборотлар сифатига қўйиладиган талабларни баҳолаш юзасидан давлат ва нодавлат ташкилотларининг мувофиқлашмаган таркибий тузилмасининг мавжудлиги).

Молиявий ҳисботларни тузиш ва уларни тақдим этишда халқаро стандартлардан муқобиллик асосида фойдаланиш амалиётини жорий этишда асосий субъектлар сифатида эътироф этиладиган акциядорлик жамиятлари,

банклар, сұғурта компаниялари, фондлар бозор қонун қоидалари асосида фаолият юритмаслиги, ривожланишнинг қонун қоидаларидаги узвийликнинг йўқлиги, мувофиқликнинг таъмминланмаганлиги соҳада бу борадаги ишлар самарадорлигини тушириб юбормоқда. Катта маблағлар ва ҳаракатлар билан эришилган натижаларнинг эътироф этилиш, қизиқишлиар билдирилиши, манфаатлар уйгунлигига таъминлаш, ривожланиш ва тараққиётнинг истиқболли лойиҳаларини тузиш ва амалга оширишда афсуски мазкур ҳисоботларнинг роли ва ўрни ўзини оқлаши қийин бўлмоқда.

Ўзбекистон республикасининг халқаро бозорга интеграцияси кўпроқ яқин шарқ давлатларига (Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркия, Корея давлатлари билан) бўйича боғланганлиги сабабли тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишдаги жадаллик бир мунча суст кечмоқда. Негаки ушбу давлатлар иқтисодида кўпроқ амалдаги тартиблардан тубдан фарқ қилмайдиган ёндашувларга устунлик берилиши халқаро стандартларга ўтишда рафбатлантирувчи ҳаракатларни секинлаштирумокда.

Кейинги муҳим муаммо бу-молиявий ҳисобот таҳлилиниң ягона методикасининг мавжуд эмаслиги билан изохланади. Молиявий ҳисобот таҳлилиниң методологик асослари бўйича хозирга қадар чоп этилган манбааларида кўпроқ, иқтисодий таҳлилдаги мавжуд методик тартиблар сақлаб қолинган. Уларда кўпроқ, таркибий ўзгаришларни аниқлаш, ўсиш даражаларини баҳолаш, молиявий коэффицентларга ургу берилади. Шунингдек, таҳлилий хулосаларда молиявий ҳолат, фойда ва зарарлар ҳамда пул оқимлари ўзгаришларининг яхши ва ёмон сифатларини қайд этишдан иборат оддий баённома билан чекланилмоқда. Молиявий ҳисоботлар таҳлили орқали бизнесдаги ва бошқарувдаги тизимли муаммолар ва уларнинг жорий ва истиқболли ечимларига етарлича аҳамият берилмасдан қолмоқда. Иқтисодий ривожланиш, тараққиётнинг асосли қарорларига келишда таҳминларга, фаразларга эътибор қаратилмоқда халос. Аслида бу асос, ретроспектив таҳлил натижаларига таянса ҳам кўпроқ истиқболли таҳлил натижаларига таяниши лозим эди.

Яна бир муҳим муаммо молиявий ҳисоботларни ўқиши, горизонтал ва вертикал, теренд таҳлили, молиявий коэффицентлар, омили ва қиёсий таҳлил этишда ортиқча ҳаракатларнинг, таҳлилий бирликларнинг кўплиги таҳлил сифатига ва самарасига салбий таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади. Буни қандай изохлаш мумкин? Яъни, ахборот фойдаланувчиларнинг далилларга таянган, манфаатлар ва қизиқишлиарига мос таҳлилини йўлга қўйиш масаласи манзилли ҳал этилмаган.

Молиявий ҳисоботларда акс этган ахборотлар сифатига таъсир этувчи энг ўткир муаммо бу-ахборотларни олишдаги кечикишлардир. Яъни, молиявий

ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботлар бўлиб ўтган жараёнларнинг натижаларини талаб қилинган вақтда эмас балки, анча кечиккан ҳолда олинмоқда. Агарда, “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлариiga ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли ПҚ белгиланган талаблар бўйича руйхатни шакллантирадиган бўлсак бугунги кунда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлариiga ўтган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони (АЖ, сугурта компаниялари, банклар, фондлар, жамғармалар, йирик бизнес субектларини қўшадиган бўлсак) 20 мингдан ортиқни ташкил этади. Бироқ, ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий таркибида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар бўйича тузиш ва тақдим этиш, шунингдек кенг оммага ва жамоатчиликка ошкор этиш муддатларининг кечиши, таҳлил субъектларининг манфаатларини **кечиккан таҳлили сифатида** эътироф этилишига олиб келмоқда.

Республика ва худудий маҳсулот таркибида, бандлик, солик тушумлари, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва бюджетни шакллантиришда сезиларли таъсирга эга бўлган акциядорлик жамиятлари, давлат улуши бўлган корхоналар, монопол мавқега эга йирик тадбиркорлик субъектлари томонидан тузиладиган ва тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар ва уларни таҳлил этиш орқали бизнес ва фаолият самарадорлиги баҳо беришдаги амалдаги ҳолатлар бошқа бўғинларда ҳисоб ва таҳлилни расмий асослар туфайлигини баҳоланиши сабабли, уларнинг ушбу хизмат тури ва ҳатти-харакатларини қадр-қимматини тушуриб юбормоқда. Биз бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва назоратнинг тўлақонли мазмунини фақат ушбу таркиб корхоналардагина кўрмоқдамиз. Ўрта ва кичик бизнес субъектларида эса бу дастаклардан фақат солиққа оид муносабатларни тўғри йўлга қўйиш юзасидангина мурожат қилинмоқда.

Шунингдек, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида камида учта давр бўйича маълумотларни акс эттирилиши лозимлиги ушбу ҳисобот шаклларини қиёсий таҳлил этишда ҳам жиддий муаммоларни юзага чиқармоқда.

Амалдаги ҳисобот ашкллари ва уларнинг таркибий тузилиши ўтган давр ва ҳисобот йили, давр боши ва охирига бўлган маълумотларни акс эттириши тўғри белгиланганлигини эътироф этиш мумкин. Бироқ бу жиҳат акс эттириш билан муаммо тўлиқ ҳал қилинган дейиш бир мунча мунозорали ҳисобланди. Ахборотларни икки ва ундан ортиқ даврлар бўйича акс эттиришда таъсир бирликлари сифатида жуда кўп омиллар таъсиридаги ўзгаришларни ҳисобга олишга тўғри келади.

Муайян қоидаларнинг тўплами ҳисобланган МҲҲС ни ўзбек тилига таржима қилишдаги муаммоли жиҳатларнинг мавжудлигидир. Бир мазмундаги сўзларнинг турлича талқин қилиниши ҳам ҳисоб ва таҳлил хизматлари сифатига таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади.

МХХС дунёнинг 166 мамлакатида қўлланилади. Ушбу қоидалар тўплами инглиз тилида қабул қилинган ва ҳозирга қадар расмий бир қанча тилларга (немис, поляк, рус, хитой, чех, фин, япон, македон, румин, словак, словен, украин, испан ва бошқа тилларга) таржима қилинган. Шунингдек, норасмий тартибда 30 дан ортиқ бошқа тилларга таржима қилинган. Ўзбек тилига таржима қилинган илк МХХС намуналарини Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси томонидан мувофиқлаштирилган нашрларда ҳам қўриш мумкин. Бироқ расмий жиҳатдан халига қадар, ушбу стандартлар ўзбек тилига таржима қилинган вариантда тақдим этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида”ти буйруги қабул қилинган (09.12.2022 йилда рўйхатга олинган, рўйхат рақами 3400).

Хужжатга мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида 60 дан зиёд МХХС ва уларга тушунтиришлар матни қўлланилади. Стандартларда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг айrim йўналишлари бўйича ҳисоб юритиш ва ҳисоботни шакллантириш бўйича қоидалар мужассамлашган.

Хозирга келиб, МХХС бўйича 62 та ҳужжат: жумладан-25 та бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (IAS-International accounting standards), 17 та молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (International Financial Reporting Standards) ва 20 та МХХСга тушунтиришлардан иборат ҳужжатлар тўплами ўзбек тилига таржима қилинганлиги эътироф этилмоқда.

МХХС га ўтиш ва уларнинг қўллаш доирасининг кенгайиши биринчи навбада ушбу стандартларга ўтишнинг рағбатлантирувчи ролига боғлиқ. Рағбатлантиришни эса афсуски аниқ рақамларда (молиявий ҳолат, молиявий натижа, пул оқимлари ва уларнинг кутилишлари бўйича, шунингдек солиқقا тортиш бўйича, фаолият ва бошқарув самарадорлигини оширишдаги ролини аниқ олинган корхона мисолида қўриб чиқиш) имконининг йўқлиги ҳам соҳадаги муаммолардан биттаси ҳисобланади.

МХХСга ўтишда яна бир муҳим жиҳат, амалда бўлган бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитга тегишли бўлган барча қонун ва қонун ости ҳужжатлари қайта қўриб чиқилиши лозим. Бу жараён одатда параллел олиб борилгани мақул. Негаки, МХХСлари ҳам қотиб қолган қоидалар тўплами эмас ва улар ҳам доимо ўзгаришлар, қўшимчалар билан бойитиб борилади.

Демак тез кунларда Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун, солиқ кодекси, БХМС ушбу жараёнлар таъсирида янгидан қабул қилиниши, ўзгартириш ва қўйшимчлар киритилиши талаб этилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Рахимов, М., & Астанақулов, О. (2020). Бизнес-анализ: к новой карьере и новым возможностям. Экономика и инновационные технологии, (5), 220–229. Извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11795](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11795)
2. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 392 б.
3. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>
4. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)
5. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev. Moliyaviy hisob. Darslik. –Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2022, 510 b.
6. Pardayevich, K. B. (2023). Analysis of the Maximum Volume of Production in Cement Production Enterprises in Uzbekistan. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 5(6), 1-8. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSID/article/view/4460>
7. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
8. Абдуллаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.
9. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>
10. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АҲБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>
11. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА

ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>

12. Fayziev, F. (2023). THE ROLE OF LOCAL BUDGETS IN TAX POLICY. Modern Science and Research, 2(5), 1315–1319. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/20713>

13. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2023). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning maksimal hajmi tahlili. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 5 (2023), 187–192.

14. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЬЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 16(1), 196–203. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2718>

15. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>

16. Абдуллаев, А. Б. (2017). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВ И ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 181-183).

17. Чориев, И. (2020). Вопросы использования аналитических процедур на начальном этапе аудита. Экономика И Образование, 1(3), 107–111. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4405](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4405)

18. Абдуллаева Севара Солижановна. КАЧЕСТВЕННЫЕ ВЕТЕРИНАРНЫЕ УСЛУГИ – ЗАЛОГ УЛУЧШЕНИЯ ПОРОДЫ СКОТА // Life Sciences and Agriculture. 2023. №1 (13). <https://cyberleninka.ru/article/n/kachestvennye-veterinarnye-uslugi-zalog-uluchsheniya-porody-skota>

19. Abdullaev PhD, A., & Ochilov, O. (2021). Accounting and analysis of investments under active investment policy: necessity, purpose and objectives. International Finance and Accounting, 2021(2), 29.

20. Fayziev Farrukh Abdullahojaevich. (2022). PROSPECTS OF THE APPLICATION OF THE ISLAMIC FINANCIAL SYSTEM IN THE ACTIVITY OF UZBEKISTAN BANKS. World Economics and Finance Bulletin, 15, 122-127. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/1516>

21. Abdullayev Abror Bozarboyevich. (2022). IMPROVING INCOME TAX ANALYSIS METHODOLOGY IN BUSINESS ENTITIES. International Journal of

Economic Perspectives, 16(10), 61–67. Retrieved from  
<https://ijeponline.com/index.php/journal/article/view/61>

22. Абдуллаева Севара Солижановна. (2023). “MILKSERVICE” – СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРИ . World Scientific Research Journal, 16 (1), 178–186. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2716>

23. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>

24. Djamalov, K. N., & Abdullaev, A. B. (2021). Creation of a triad of effective measures in the company's tax risk management system. Asian Journal of Research in Business Economics and Management, 11(11), 74-79.

25. Doni Tri Putra Yanto, Ravil Akhmadeev, Hassan Salman Hamad, Ahmed Hussien Radie Alawadi, Abror Bozorboyevich Abdullayev, Rosario Mireya Romero-Parra, Hadi Fooladi, Development and investigation of a pollutants emission reduction process from a coal-gasification power plant integrated with fuel cell and solar energy, International Journal of Low-Carbon Technologies, Volume 18, 2023, Pages 1120–1133, <https://doi.org/10.1093/ijlct/ctad093>

26. Чориев, И. Х. (2017). ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПЛАТЕЖНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 175-177).